

Иқтисодий–ҳуқуқий газета

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

**ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ**

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантириш – Ҳукумат комиссиясининг вазифаси

Президентнинг «Республикада экспорт ва инвестиция салоҳиятини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан (18.08.2020 йилдаги ПФ-6042-сон) Экспорт ва инвестицияларни ривожлантириш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг вазифалари ва таркиби янгиланди.

Қуйдагилар унинг асосий вазифалари этиб белгиланди: экспорт салоҳиятини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, ҳудудларда sanoat кластерларини ташкил этиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган «йўл хариталари».

Ҳукумат комиссияси Президентнинг ҳудудларга ташрифлари ақунлари бўйича қабул қилинган баённома топшириқларининг экспорт, инвестициялар, ҳудудий sanoatни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳамда бошқа ташқи иқтисодий алоқалар соҳасидаги қисмининг ижросини таъминлайди.

Комиссиянинг ишчи органлари:

Вазирлар Маҳкамасининг Инвестициялар, экспортни қўллаб-қувватлаш ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари котибияти – экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, инвестиция лойиҳаларининг самарали амалга оширилишини таъминлаш масалалари бўйича;

Вазирлар Маҳкамасининг Sanoat ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти – ҳудудий sanoatни ривожлантириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш масалалари бўйича.

Ҳукумат комиссиясига қуйдаги ваколатлар берилди:

➢ жаҳон ва ички бозорда нарх ва талаб конъюктураси, ишлаб чиқариш ва тақсимот балансларидан келиб чиқиб, экспорт прогнозининг йиллик умумий кўрсаткичларини сақлаган ҳолда экспорт прогноз кўрсаткичларига ўзгартириш киритиш;

➢ инвестиция дастурларига уларнинг умумий параметрлари ҳамда кўрсаткичларини сақлаган ҳолда тузатиш, қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;

➢ олий даражадаги ташрифлар давомида имзоланган ҳужжатларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган «йўл хариталари» ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлик бўйича «йўл хариталари»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш (Президент Администрацияси билан келишилган ҳолда).

Комиссия белгиланган вазифаларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини ўрганиш учун доимий равишда вилоятларга ташрифларни амалга оширади ҳамда ҳар чоракда Президент Администрациясига тегишли ахборот киритиб боради.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ва ташқи савдонинг мониторинг қилиш инспекцияси

ташкил этилади. Унинг зиммасига Ҳисоб палатасининг қуйдаги функциялари юкланади:

➢ мамлакатимиз Президентининг олий даражадаги ташрифлари давомида имзоланган ҳужжатларни ижросини назорат қилиш;

➢ стратегик корхоналар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларининг тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши устидан назоратни ташкил этиш;

➢ маҳаллийлаштириш жараёнини янада такомиллаштириш, бюджет ташкилотлари, бюджет маблағларини олувчилар ва мониторинг юритиладиган корхоналар томонидан импорт қилинган маҳсулотларнинг асосланганлигини ўрганиш.

Ҳукумат комиссияси инспекция фаолиятини мувофиқлаштиради. Назорат функцияларини амалга ошириш ва мониторинг қилиш учун у ҳам [lrg.gov.uz](http://lrg.gov.uz) тизимига уланади.

Ўз навбатида, Ҳисоб палатасига давлат харидлари ва давлат мулкни бошқариш, шунингдек давлат қарзи ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг қонунийлигини аудитдан ўтказиш вазифаси топширилди. Вазифаларнинг қайта кўриб чиқилиши муносабати билан Палата мақоми ва фаолият йўналишларига киритиладиган ўзгартиришлар алоҳида ҳужжатда акс эттирилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 18.08.2020 йилдан кучга кирган.

Олег Заманов.

## Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлиги рейтинги жорий этилади

Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2020 йилдаги 485-сон қарори билан фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

Президентнинг «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида (18.02.2020 йилдаги ПФ-5938-сон) мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тузилмасида:

➢ фуқаролар йиғини раисининг 4 та ўринбосари лавозимлари тугатилган, уларнинг ўрнига янгилари – фуқаролар йиғини раисининг учта ўринбосари, иккита маслаҳатчиси ва битта мутахассис лавозимлари киритилган;

➢ тугатилган 6 та комиссия (яраштириш, маърифат ва маънавий масалалари бўйича, ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича, вояга етмаганлар, ёшлар ва



спорт масалалари бўйича, тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича, жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича) ўрнига 2 та: оилавий кадрятларни мустаҳкамлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва жамоатчилик назорати бўйича комиссия ташкил қилинган;

«Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси тугатилган.

Қарор билан қуйдагиларни назарда тутувчи Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом тасдиқланди:

➢ фуқаролар йиғинлари фаолиятини рейтинг баҳолашнинг умумий асослари;

➢ фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари ва методикаси;

➢ рейтинг баҳолашнинг шаффоф тартиби;

➢ рейтинг баҳолаш натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларни рағбатлантириш тартиби.

Қарор билан қуйдагилар назарда тутилган:

➢ вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлимларининг сўровига мувофиқ зарур маълумотларни тақдим этадилар. Бунда маълумотларнинг

**Ушбу  
сонда:****3-БЕТ**

Аутсорсинг: бухгалтерияни юритишда мусбат ва манфий жиҳатлар

**6-БЕТ**

Шартномалар электрон тузилмоқда...

**7-БЕТ**

Ўзaro қарз беришлар кўпайган. Бунда фоизли даромад қандай аниқланади?

## Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлиги рейтинги жорий этилади

**1-бетда** асосланганлиги, ишончилиги ва белги-ланган муддатда тақдим этилиши учун маълумотни киритаётган идораларнинг биринчи раҳбарларига шахсий жавобгарлик юклатилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари рейтинг баҳолаш натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларни рағбатлантириш учун зарур бўлган маблағларни маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозини ошириб

бажариш ҳисобидан ажратиб борадилар;

➤ йил якуни натижалари бўйича «намунали» деб топилган фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларга республика ҳудудидаги санаторийлардан бирида соғлиғини тиклаш учун бир мартабалик бепул йўлланма бериш амалиёти сақлаб қолинади;

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини олиб борувчи автоматлаштирилган веб-порталнинг техник

лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. 2021 йил 1 майдан веб-портал тест режимда ишга туширилади, бунда унга сарфланадиган барча харажатлар Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги «Обод ва хавфсиз маҳалла» жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 14.08.2020 йилдан кучга кирган.**

Лола Абдуазимова.

## Тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимига тузатишлар киритилди

Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2020 йилдаги 488-сон қарори билан Ҳуқуқатнинг «Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига баҳо бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (8.01.2020 йилдаги 8-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Адлия вазирлиги томонидан республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражаси кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш бўйича «Business Indicator» автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими ишга туширилган.

Қабул қилинган ҳужжат билан Республика ҳудудларида тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 8-сон қарорига 1-шлова) қуйидаги бандлар қўшилди:

18-1. «Намунали» деб топилган вилоят ёки туман (шаҳар) даражасидаги ҳудудда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига таъсир этувчи ташкилотлар ходимлари фақат ушбу ташкилотлар масъул бўлган кўрсаткичлар «намунали» бўлган тақдирда тақдирланади;

19-1. «Қониқарсиз» деб топилган вилоят ёки туман (шаҳар) даражасидаги ҳудудда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасига таъсир этувчи ташкилотлар раҳбарлари фақат ушбу ташкилотлар масъул бўлган кўрсаткичлар «қониқарсиз» бўлган тақдирда интизомий жавобгарликка тортилади.

Низом ва унга иловаларга қуйидагиларга дахл қилувчи бир қатор ўзгартиришлар киритилди:

➤ ярим йил давомида тегишли ҳудудда ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари ва халқ депутатлари Кенгашлари қарорларида назарда ту-

тилган тадбиркорлик субъектлари ҳамда нотураб кўчмас мулк мулкдорлари бўлган жисмоний шахслар сонини ҳисоблаш;

➤ тадбиркорлик субъектларидан Давлат бюджетига (республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетлар) келиб тушган тушумларнинг миқдорини аниқлаш;

➤ тадбиркорлик субъектларига муҳандислик-коммуникация хизматлари амалда кўрсатилганлиги индикаторини ҳисоблаш тартиби;

➤ тадбиркорлик субъектларини мажбурий ҳомийлик ва бошқа тадбирларга жалб этиш индикаторини ҳисоблаш тартиби;

➤ тадбиркорлик субъектларининг ташкилотлар маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига бўлган ишончи индикаторини ҳисоблаш тартиби ва бошқалар.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 14.08.2020 йилдан кучга кирган.**

Баҳодир Қаюмов.

## ҚҚС ҳисоб-китоби учун товарларнинг бозор қиймати қандай аниқланади

Вазирлар Маҳкамасининг 489-сон қарори билан ҚҚС базасини товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (3-шлова).

Низом ҚҚС базасини товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаш тартибини белгилайди ва қуйидаги ҳолларда татбиқ этилади:

1) товарларни (хизматларни) бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаб реализация қилишда;

2) агар СКнинг 239-моддаси биринчи қисми 2-бандида ёки иккинчи қисмининг 2-бандида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, товарларни (хизматларни) бепул беришда (кўрсатишда);

3) юридик шахснинг мол-мулкидан СКнинг 239-моддаси тўртинчи қисми 6-бандига мувофиқ шахсий мақсадларда фойдаланишда.

Бунда товарларни бепул бериш ёки бепул хизматлар кўрсатиш қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда бирига риоя этилганда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида қилинган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги асослан-тирилган бўлса;

3) қонун ҳужжатлари қоидаларидан келиб чиқилган бўлса.

Юқорида кўрсатилган битимларни (операцияларни) амалга ошираётганда товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматини аниқлаш учун қуйидаги ахборот манбаларидан фойдаланилади:

➤ ўзининг нархга доир маълумотлари (прайс-вараклар);

➤ ахборот-нарх агентликлари ва ОАВдан олинган маълумотлар;

➤ биржа хабарлари;

Давлат божхона қўмитаси томонидан эълон қилинадиган ёки сўровга кўра тақдим этиладиган ташқи савдонинг божхона статистикаси;

➤ қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда нархларни белгилаш учун нормативларни ўрнатадиган ваколатли органларнинг маълумотлари.

Бундай маълумотлар мавжуд бўлмаганда бозор қиймати баҳоловчи ташкилотларнинг хулосалари асосида ёхуд харажатларни индексациялаш усулидан фойдаланган ҳолда аниқланади.

Товарларнинг бозор қийматини аниқлашда ўзаро боғлиқ бўлмаган шахслар ўртасида битимлар тузишда нархларга қўйиладиган одатдаги устамалар ёки чегирмалар ҳисобга олинади. Бунда қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

➤ товарларга нисбатан бўлган истеъмол талабининг мавсумий ва бошқа тебранишлари;

➤ товарларнинг сифат ёки бошқа истеъмол хусусиятларини йўқотиши;

➤ товарларнинг яроқлилик ёки реализация қилиш муддатларининг тугаши;

➤ маркетинг сиёсати, шу жумладан, унга ўхшаш товарлар бўлмаган янги товарларнинг (хизматларнинг) бозорга кириб бориши, шунингдек, товарларнинг (хизматларнинг) янги бозорларга кириб бориши;

➤ истеъмолчиларни улар билан таништириш мақсадида товарларнинг тажриба моделлари ва намуналарини реализация қилиш.

Солиқ органлари битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан фарқ қиладиган (у ёки бу томонга) қийматини қўллангани далили аниқланган тақдирда солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли (СК 248-м. 4-қ.). Шу билан бирга киритиладиган ўзгартиришлар СКнинг 223 ёки 224-моддаларида назарда тутилган молиявий жарималарни қўллашга олиб келмайди.

Солиқ тўловчи солиқ органининг қарори юзасидан битимнинг қиймати бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан низолашишга ҳақли.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 15.08.2020 йилдан кучга кирган.**

Лола Абдуазимова.

### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим эта- миз **1-2-бетлар**

### • КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Аутсорсинг ёки штатдаги бух-

галтерия – қай бири афзал?

– Қоидага кўра иккинчи марта ишдан бўшатиш

– Бош бухгалтер бўлишни ис- тамайман. Мажбур қилишлари мумкинми? **3-5-бетлар**

### • ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР

– Электрон шартномаларга ўтаётганда **6-бет**

### • АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

– Қарз берувчида фоизли даромадни қандай аниқлаш

мумкин

**7-бет**


### • АВТОНОРМА

– Чегарада тўланади

– Дубликат олинг

– Йўл ҳаракати иштирокчиси учун **8-бет**

Узоқ давом этган карантин чекловлари шароитида тадбиркорларда бухгалтерия ҳисобини аутсорсингга топшириш имконига бўлган қизиқиш тобора ортмоқда. «Ногта» компаниясининг юридик масалалар бўйича экспертлари – адвокат Элеонора Мазурова ва юрист Альберт Сафин бундай ечимнинг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида гапириб бердилар.



## Аутсорсинг ёки штатдаги бухгалтерия – қай бири афзал?

### Аутсорсинг нима ўзи?

– Оддий қилиб айтганда, аутсорсинг – компаниянги функцияларининг бир қисмини ташқи ижрочи – бухгалтерия ҳисобини юритишга ихтисослашган чет ташкилотга топшириш. Бундай компаниялар штатда солиқ ва бухгалтерия ҳисоби бўйича мутахассислар бўлиб, улар корхонангиз учун ҳисоб сибсатини ўзлари ишлаб чиқадиладар.

Моҳиятан олганда, аутсорсинг – узоқ муддатли тусга эга бўлган хизматларни кўрсатиш шартномаси. Ижрочи хизмат кўрсатилаётган компаниянинг бухгалтерия ҳисоби учун унинг раҳбарияти билан тенгма-тенг жавобгар бўлиб, солиқ органида унинг манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин.

### Аутсорсинг афзалликлари

#### 1. Йирик корхоналарга камхаржлилиқ имконини беради

Бухгалтерлар штатини сақлагандан кўра, йирик компания бухгалтериясини аутсорсингга топшириш деярли ҳар доим молиявий жиҳатдан фойдалироқ бўлади. Бухгалтерия ҳисобини юритиш учун аутсорсинг тарифларини сиз бухгалтерия хизмати – бош бухгалтер, моддий бухгалтер, бухгалтер-иктисодчи, кассир, бухгалтер ёрдамчиси ва бошқаларга тўлайдиган иш ҳақи суммаси билан солиштиришнинг ўзи кифоя.

Аутсорсингга қатъий белгиланган тариф бўйича сумmani тўлайсиз, компаниянинг ўзи сиз учун керакли мутахассисларни ажратади.

#### 2. Иш ҳақи билан боғлиқ солиқларни тўлаш керак эмас

Бухгалтерияни аутсорсингга топширгач, фақат хизмат ҳақини тўлайсиз, яъни оддий етказиб берувчилар билан бўлганидек ишлайсиз. ЖШДС ва ижтимоий солиқ ҳақида эса қайғурмайсиз.

#### 3. Иш жойини жиҳозлашга ҳожат қолмайди

Ўзингизга қарашли ёки ижарага олинган кўшимча хоналарни бухгалтерия учун иш кабинетлари қилиб ажратишга, компьютерлар, ташкилий техника, лицензияланган бухгалтерия дастурлари, ёзув-чизув товарлари ва бошқаларни сотиб олишга зарурат йўқ. Фаолият юритишингиз учун кўпроқ жой қолади ёки ижара тўлови суммаси камаяди.

#### 4. Аутсорсинг компанияларида, одатда, юқори малакали мутахассислар ишлайди

Аутсорсинг билан шуғулланадиган ҳар қандай компания обрўсини йўқотмаслик пайида бўлади, ўз соҳасида рақобатбардош бўлишга интилади. Улар ўз миқозларига эътиборли бўладилар, хизмат кўрсатадиган ҳар бир компанияни кадрлайдилар. Шу сабабли штатларида бир нечта бухгалтер бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян соҳага ихтисослашган бўлади. Юзага келадиган мураккаб масалаларни биргалиқда ҳал қиладилар, бу эса хатога йўл қўйиш эҳтимолини камайтиради.

Бир вақтнинг ўзида кўпгина компанияларга хизмат кўрсатиш давомида аутсорсинг компанияларида республиканинг барча ҳудудларида ҳуқуқни қўллаш амалиёти шаклланади, улар солиқ органлари билан яқин алоқа ўрнатадилар, бу ҳам жуда муҳим аҳамиятга эга. Амалий тажрибалари ва соҳанинг барча «нозик жиҳатларини» билишлари жиҳатидан штатдаги бухгалтерлардан бир поғона банд турадилар.

#### 5. Аутсорсинг компанияси билан доим алоқа боғлаш мумкин

Штатдаги бухгалтердан фарқли равишда компания касал бўлмайди ёки таътилга чиқмайди. «Сизга ишлайдиган» компания мутахассиси вақтинча иш жойида бўлмаса, унинг ўрнига бошқаси бухгалтериянгни юритишда давом этади. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва таътил пулини тўлашингизга ҳам тўғри келмайди.

#### 6. Аутсорсинг компанияси ўз мутахассисларининг хатолари учун жавоб беради

Аутсорсинг бўйича ижрочининг айби билан солиқ инспекцияси корхонага жарима санкцияларини қўлласа ёки пеня ҳисобласа, аутсорсинг компанияси ушбу харажатларни қоплайди. Бунинг учун аутсорсинг хизматлари кўрсатиш шартномасини тузаётганда ушбу шартни назарда тутишингиз зарур.

Бухгалтерия ҳисоби ва солиқлар бўйича давлат органлари билан юзага келадиган – солиқ назоратидан бошлаб судларгача бўлган барча масалаларни ҳам аутсорсинг компанияси зиммасига олиши кераклиги ҳақида аввалбосдан келишиб олинг.

#### 7. Кадрларнинг кетиб қолишидан хавфсирмайсиз

Раҳбарлар буни яхши тушунадилар: ходимларга пул тикасиз, ўзингизга мос мутахассис «етиштирасиз», у эса билим ва тажриба орттиргач, яхшироқ иш излаб кетиб қолади. Бош бухгалтер нуфузлироқ жойда ишлашга лойиқман деган қарорга келган бўлса, ҳатто маошини ошириб ҳам масалани ҳал қила олмайсиз. Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ текшируви ўтказилаётган ёки ҳисобот топширилаётган даврда ҳам ходимни ушлаб туришингизга йўл қўймайди.

### Аутсорсинг камчиликлари

#### 1. Бухгалтериянгни юритаётган мутахассисни кўрмайсиз

Айрим раҳбарлар бу билан бухгалтерия ҳисоби назоратсиз қолади деб ўйлашлари мумкин. Бунинг устига, штатдаги бухгалтер солиқ солиш, маблағларнинг ҳаракатлини ва бошқа масалаларнинг у ёки бу жиҳатларини доим раҳбарга тушунтириб бериши мумкин. Умуман олганда, бухгалтер корхонада ўз иш жойида ўтирганини кўриб, кўп раҳбарлар ўзларини хотиржам ҳис қиладилар.

#### 2. Аутсорсингдаги ходимдан кўра штатдагиси ишончлироқ туюлади

Кўпинча айна шу ҳолат раҳбарни ишни аутсорсингга топширишдан тўхтатиб туради. Чет компания барча сирларингиздан бохабар бўлиши аниқ. Раҳбар билан «битта аравада» бўлган штатдаги бухгалтер билан бўлганидан кўра, бу ҳолда тижорат сири фож бўлиши эҳтимоли катта бўлади деган хавфсираш юзага келади.

#### 3. Айрим масалаларни ҳал қилишга кўпроқ вақт кетиши мумкин

Бухгалтерия масофадан туриб ишлаганда раҳбар масалани ҳал қилиш учун бухгалтерни икки дақиқага кабинетига чақира олмайди. Боз устига – муаммони телефон орқали ёки ёзишмалар билан ҳал қилиш мушкул бўлган ва шахсан учрашиш маъқул бўлган вазиятда.

Аутсорсингга мутахассис корхонангизнинг ишини юритиш билангина чекланмайди, шу сабабли шахсан учрашишга деярли вақти бўлмайди.

#### 4. Штатдаги бухгалтер параллель равишда бошқа ишни ҳам бажариши мумкин

Кўпинча корхонанинг бош бухгалтери кўп вазифаларни бажариши ҳеч кимга сир эмас. У – ҳам кадрлар бўйича мутахассис, ҳам юрист, баъзида эса ҳам омбор мудир. Айниқса, унча катта бўлмаган компанияларда бухгалтер бухгалтерия ҳисобига умуман алоқаси бўлмаган вазифаларни бажаради. Бухгалтерияни аутсорсингга топширишга қарор қилсангиз, бухгалтерия ҳисобига бевосита алоқаси бўлмаган кўшимча мажбуриятларни бажариш учун алоҳида ходимларни ёллашингизга ёхуд оширилган ойлик ҳақ тўлаган ҳолда шартнома тузишингизга тўғри келади.

#### 5. Аутсорсинг компанияларининг стандарт ёндашуви

Ихтисослаштирилган компаниялар юритадиган бухгалтерия ҳисоби бирмунча стандарт ва конвейер тусига эга бўлиши мумкин. Мураккаб ҳужжалиқ операциялари амалга ошириладиган ўзига хос бизнес юритсангиз, айна сизнинг соҳангизга ихтисослашган ўз бухгалтерингизни «етиштирганингиз» маъқулроқ. Тўғри, бу ҳолда тажриба орттиргач, ишдан бўшаб кетмаслиги учун уни яхшигина рағбатлантиришингизга тўғри келади.

#### 6. Солиққа оид таваккалчиликларни баҳолай олмаслиқ эҳтимоли мавжуд

Аутсорсинг компаниясининг мутахассиси ҳужжатларингиздаги ахборотни ҳақиқатдагиси билан солиштириш имконига эга бўлмагани сабабли солиққа оид таваккалчиликларни доим тўғри баҳоламайди. Штатдаги бухгалтер эса, мисол учун, етказиб бериш ва сотиш ҳажми, омборларнинг сизими, ходимларнинг сони билан боғлиқ реал вазиятни билгани учун келгусида юзага келиши мумкин бўлган у ёки бу таваккалчиликларни олдидан кўра олади.

#### 7. Прогнозлашингиз мушкуллиги

Бу айниқса одатда режалаштириш бўлими мавжуд бўлмаган кичик ва ўрта бизнес корхоналарига тегишли. Иқтисодий жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган бу пайтда бизнес йўналишини ўзгартириш, янги бозорларни ўзлаштириш, инвестицияларни жалб этиш чоғида ва бошқа вазиятларда раҳбар бухгалтердан иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилишни кўп илтимос қилади. Аутсорсингдаги бухгалтер ё бу ишни буткул бажара олмайди, ёхуд бунинг учун кўшимча ҳақ тўлашни талаб қилади.

#### Хулоса ўрнида

Санаб ўтилган барча афзаллик ва камчиликлар исталган аутсорсинг компаниясига ва ҳар қандай штатдаги бухгалтерга хос деб бўлмайди, албатта. Ҳар бир вазият – ўзига хос. Шу сабабли қарор қабул қилишдан олдин унинг барча ижобий ва салбий жиҳатларини мустақил равишда баҳолаб, ҳар бир ҳисоб юритиш усули қанча сарф-харажат талаб этишини ҳисоблаб, айна сизнинг бизнесингиз учун қай бири фойдалироқ эканини чамалаб кўриб, қарор қабул қилинг.

## Қоидага кўра иккинчи марта ишдан бўшатиш

Технологиядаги ўзгаришлар туфайли штат жадвалидаги менежер лавозими қисқартирилган. Ходим бу ҳақда 2 ой олдин хабардор қилинган. Меҳнат шартномаси бекор қилинганда 3 ой учун ўртача иш ҳақи тўланган. Бироқ ишдан бўшатиш пайтида корхонада бўш лавозим мавжуд бўлганлиги ва у менежерга таклиф этилмаганлиги сабабли суд уни аввалги лавозимига тиклаган, меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ бекор қилинган. Бугунги кунда ушбу лавозим корхона учун долзарблик касб этмайди, шу боис уни яна қисқартириш режалаштирилмоқда. Корхонада бўш лавозимлар ҳам мавжуд эмас.

Корхона лавозим яна такрор қисқартирилаётганда ходимни 2 ой олдин хабардор қилиши ва компенсация тўловларини тўлаши зарурми?

— Лавозимни қисқартиришда иш берувчи ушбу лавозим биринчи марта ёки қайта қисқартирилганлигидан қатъи назар, қонун ҳужжатларига қатъий амал қилиши ва МКда назарда тутилган барча таомилларни ўтказиши лозим.

Технологиядаги ўзгаришлар туфайли меҳнат шартномаси бекор қилинганда судга такрор мурожаат қилинишининг олдини олиш мақсадида иш берувчи томонидан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатлар тақдим этилиши шарт. Бундан ташқари, меҳнат шартномасини бекор қилиш тартибига риоя этилиши, иш қидириш даврида моддий ёрдам кўрсатиш қисмида жамоа ёки меҳнат шартномалари билан мустаҳкамланган кафолатларга риоя этилиши лозим.

Иш берувчи корхонада ходимлар сонини ўзгартириш бошлангани тўғрисида буйруқ чиқариши керак. Унда қуйидагилар кўрсатилади:

> қисқартирилиши лозим бўлган лавозимлар номи ва сони;

> меҳнат шартномасини бекор қилиш режалаштирилаётган ходимлар;

> ходимлар ишдан бўшатилиши ҳақида касаса уюшмалари органлари ва меҳнат органларини хабардор қилиш муддатлари;

> ходимларни ишдан бўшатиш мўлжалланган муддатлар.

Иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни камида 2 ой олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши шарт (МК 102-м.). Огоҳлантириш муддати иш берувчи томонидан ходим меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади. Ходим огоҳлантириш билан танишиб чиқишни рад этган тақдирда, муддат рад этилган кундан кейинги кундан бошлаб ҳисобланади. Бундай ҳолатларда иш берувчи ходим огоҳлантирилгани ва у имзо чеккан ҳолда танишиб чиқишни рад этгани ҳақида далилларни тайёрлаб қўйиши лозим.

Бундай асос бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантириш муддати давомида ходимга бошқа иш қидириш учун ҳафтада камида 1 кун шу вақт учун иш ҳақи сақланган ҳолда ишга чиқмаслик ҳуқуқи бериллади (МК 102-м.).

Ходимни огоҳлантириш муддатига вақтинча меҳнатга қубилиятсизлик даври, шунингдек унинг давлат ёки жамоат вазифаларини бажарган вақти қўшилмайди.

Ходим ишда бўлмаган бошқа даврлар, масалан, ҳақ тўланадиган ёки тўланмайдиган таътилда бўлганлиги муносабати билан ишламаган даври меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш муддатига қўшилади.

Меҳнат шартномаси 2 ойлик муддат тугагунига қадар бекор қилиниши мумкин, бироқ бунда ходимнинг ёзма розилиги талаб этилади. Мазкур ҳолатда жамоа ёки меҳнат шартномасида бошқа миқдор на-



зарда тутилмаган бўлса, ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланган ҳолда огоҳлантириш унинг муддати давомийлигига мутаносиб пуллик компенсация билан алмаштирилади (МК 102-м. 2-қ., 109-м.).

Ходимга огоҳлантириш муддати ўрнига тўланадиган пуллик компенсация иш берувчини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тўловлардан озод этмайди.

Жамоа шартномасида касаса уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шундай қилиниши лозим. Ходимни бундай розиланган ишдан бўшатиш мумкин эмас (МК 101-м.).

Тегишли ҳуқуқларга эга раҳбар ёки мансабдор шахс касаса уюшмаси кўмитасини ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органини ходимлар билан меҳнат шартномалари бекор қилиниши мўлжалланаётгани ҳақида ёзма равишда хабардор қилади, бунда ходимлар ҳақидаги маълумотлар (Ф.И.О., эгаллаган лавозими), ишдан бўшатиш ва хабарнома юбориш мўлжалланаётган сана кўрсатилади.

Ўз навбатида, касаса уюшмаси ёки бошқа орган томонидан ёзма тақдимнома олинган кундан бошлаб 10 кун муддатда ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш розилик бериш ёки бермаслиги тўғрисида ёзма шаклда иш берувчига маълум қилиниши лозим.

Иш берувчи касаса уюшмаси кўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 1 ойдан кечиктирмай, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир (муддатлар касаса уюшмаси кўмитаси ёки бошқа вакиллик органига хабарнома юборилганда иш берувчи томонидан ҳисобга олиниши лозим).

Таъкидлаш жоизки, ходимлар сони қисқартирилганда иш берувчи томонидан ходимларга мавжуд бошқа иш (бўш лавозим) таклиф этилиши шарт. Ходим бошқа ишга ўтишдан бош торган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин (МК 92-м.).

Амалиётда барча зарур таомилларни амалга ошириш учун раҳбарнинг буйруғи билан меҳнат жамоаси, касаса уюшмалари кўмитаси ва маъ-

мурият вакилларида иборат махсус комиссия тузилади. Комиссия ходимларга уларнинг ҳуқуқларини тушунтириб беради, бўш иш ўринларини танлашда ёрдам беради, низоли вазиятларни ҳал этади. Комиссия иши далолатномалар ёки баённомалар билан расмийлаштирилади, уларда комиссия таркиби, йиғилиш санаси ва кўриб чиқилган масалалар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Ходимларни огоҳлантиришнинг 2 ойлик муддати тугагундан сўнг иш берувчи томонидан бир неча буйруқ – корхонада ходимлар сонини қисқартириш ҳақида (барча таомил ва аниқлаштиришлардан кейин якуний), ўзгартириш киритилган штат жадвалини тасдиқлаш тўғрисида ҳамда меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқлар қабул қилиниши лозим. Бундай буйруқларни имзо чектириб таништирилган ҳолда ҳар бир ходимга алоҳида чиқариш тавсия этилади.

Ходимлар сони ёки иш хусусияти ўзгартирилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга қуйидаги тўловлар тўлиниши лозим:

> ходимга барча иш кунлари, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинган кун учун ҳам иш ҳақи;

> фойдаланилмаган таътил учун компенсация (меҳнат шартномаси тугатилган кунда фойдаланилмаган таътиллар мавжуд бўлганда);

> огоҳлантириш муддати ўрнига пуллик компенсация (томонларнинг розилиги билан);

> ходимлар ишдан бўшатирилганда корхонанинг локал ҳужжатларида ёки меҳнат шартномасида назарда тутилган тўловлар;

> ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси (МК 109-м.);

> иш қидирилаётган даврда 2 ой учун ўртача иш ҳақи (МК 67-м. 1-қ.);

> ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтсалар, учинчи ой учун ҳам ўртача иш ҳақи (МК 67-м. 3-қ.);

> иш берувчининг ташаббуси билан муддатли меҳнат шартномаси муддатидан олдин бекор қилинганда ушбу шарт меҳнат шартномасига киритилган бўлса, неустойка тўланади (МК 104-м.).

# Бош бухгалтер бўлишни истамайман. Мажбур қилишлари мумкинми?

**«Бухгалтер бўлиб ишлайман. Директор мени бош бухгалтер лавозимига ўтказишни айтди. Бошқа ишга ўтишни истамайман. Директор менинг розилигимсиз бошқа ишга ўтказиши мумкинми?»**

– Дастлаб директор доимий ёки вақтинча бошқа ишга ўтказмоқчилигини аниқлаш лозим.

Бошқа доимий ишга ўтказишга (ҳодимнинг меҳнат вазибаларини ўзгартиришга) – унга бошқа мутахассислик, малака, лавозимга оид ишни топширишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши мумкин (МК 92-м.).

**!** Бу ҳолда иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қўшимча келишув тузиши керак. Ушбу ўзгартиришлар бошқа доимий ишга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асос ҳисобланади (МК 96-м. 1-қ.).

Ходим қўшимча келишув ва буйруқни имзоламаса, ҳатто кўпроқ иш ҳақи тўланадиган юқори лавозим ҳақида сўз бораётган бўлса ҳам, иш берувчи уни бошқа доимий ишга ўтказишга ҳақли эмас.

## Бошқа ишга ўтказиш иш берувчининг мажбурияти бўлса

Муайян ҳолатларда иш берувчи ўз хоҳишидан қатъи назар ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган ишни (ҳодим бажараётган ишига ёки эгаллаб турган лавозимига номувофиқ бўлса, мутахассислиги бўйича бирмунча кам малака талаб этиладиган бошқа ишни), бундай иш бўлмаган тақдирда эса, – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни таклиф этиши шарт.

Бундай ҳолатларга қуйидагилар кирради:

1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги;

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

3) корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазибаларини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилинганлиги;

4) шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланганлиги, шунингдек Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати ва Сенатда доимий асосда ишлаган Сенат аъзоси ваколатлари муддати тугаганлиги ёки Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати тарқатиб юборилганлиги муносабати билан аввалги лавозимига (ишига) қайтганлиги.

Ходим таклиф этилаётган ишга ўтишдан бош торган ёки корхонада мувофиқ келадиган иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қилиниши мумкин (МК 92-м. 2-қ.).



## Қандай шартларда вақтинча бошқа ишга ўтказишлари мумкин

Умумий қоидага кўра фақат ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишув бўйича вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилади.

Бошқа доимий ишга ўтказишдан фарқли равишда бунда меҳнат шартномасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қўшимча келишув тузиш керак эмас. Ходимнинг аризаси ва буйруқнинг ўзи кифоя (МК 96-м. 3, 4, 6-қ.). Бироқ истисносиз қоидалар бўлмайди.

Меҳнат кодексига (95-м.) ходимни унинг розилигисиз вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйиладиган ҳолатлар кўрсатилган. Уларга қуйидагилар кирради:

> **ишлаб чиқариш зарурияти** – яъни ишлаб чиқариш жараёнидаги истисноли, қўтилмаган ҳолат.

Вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилишига сабабчи бўлган, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар жамоа шартномасида кўрсатилади, агар у тузилмаган бўлса, – иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Одатда, жамоа шартномасида: ишга келмаган ходимнинг ўрнига ишлаш, ҳалокат, ишлаб чиқаришдаги авария ҳолатлари, табиий офатнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини бартараф этиш; бахтсиз ҳодисалар, бекор туриб қолиш, мол-мулк йўқ қилиниши ёки бузилишининг олдини олиш каби ҳолатлар кўрсатилади;

> **бекор туриб қолиш** – иқтисодий, технологик, ташкилий, бошқа ишлаб чиқариш ёки табиий тусга эга бўлган сабабларга кўра вақтинча ишни тўхтатиш.

Бироқ ҳатто юқорида кўрсатилган ҳолатларда ҳам ходим соғлиғига тўғри келмайдиган бошқа ишга ўтказилиши мумкин эмас.

Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишга қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўланиши керак.

Ишлаб чиқариш зарурияти ёки бекор туриб қолиш далилининг мавжудлиги иш берувчининг ташаббуси билан вақтинча бошқа ишга ўтказишда буйруқ чиқариш учун асос бўлади (МК 96-м. 5-қ.).

Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси ва меҳнатга тўланадиган ҳақнинг аниқ миқдорлари жамоа шартномасида белгиланади, у мавжуд бўлмаганда эса, – иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади (МК 95-м. 3-қ.).

Масалан, жамоа шартномасида ишлаб чиқариш заруриятини юзага келтирган ҳолатларни бартараф этиш вақтида, бекор туриб қолиш муносабати билан эса – бутун бекор туриб қолиш вақтида ходимнинг розилигисиз уни вақтинча бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилишини кўрсатиш мумкин. Бироқ иккала ҳолатда ҳам бундай бошқа ишга ўтказишнинг жами муддати йил давомида 60 кундан ошиши мумкин эмас. Касаба уюшмаси кўмиталари федерацияси 2020 йилда ишлаб чиққан жамоа шартномасининг тавсия этиладиган макетида ана шу муддат кўрсатилган.

## Хулоса чиқарамиз

Қуйидаги шароитлар мавжуд бўлган тақдирдагина ходимнинг розилигисиз уни вақтинча бошқа ишга ўтказиш мумкин:

> ташкилотда маъқулланган ва имзоланган жамоа шартномаси мавжуд бўлиб (МК 40-м.), унда бошқа ишга ўтказишга йўл қўйиладиган ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар рўйхати кўрсатилган бўлса;

> ташкилотда жамоа шартномаси мавжуд бўлмаса, масала фақат ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб ҳал этилади.

Вақтинча бошқа ишга ўтказиш буйруқ билан – вақтинча бошқа ишга ўтказиш муддатини кўрсатган ҳолда расмийлаштирилади.

Ишлаб чиқариш зарурияти ва бекор туриб қолиш муносабати билан вақтинча бошқа ишга ўтказишда ходимнинг розилиги талаб этилмайди, у ташкилот раҳбарининг буйруғига бўйсунуши шарт. Бироқ буйруқда бошқа ишга ўтказиш муддати албатта қайд этилиши керак. Усиз вақтинча эмас, балки доимий бошқа ишга ўтказилган бўлади. Бошқа доимий ишга ўтказиш учун эса ходимнинг розилиги зарур.

Буйруқда бошқа ишга ўтказиш муддати кўрсатилмаса, нима бўлади? Бу ҳолда ходим янги вақтинча ишга чиқмаса, ишлаб чиқариш заруриятига кўра бошқа ишга ўтказиш қоидалари бузилгани учун буни проғул деб ҳисоблаб бўлмайди.

Қонунга риоя этган ҳолда вақтинча бошқа ишга ўтказилган бўлса, ходимнинг ишни бажаришдан бош тортишини меҳнат интизомини бузиш, ишга чиқмаслигини эса проғул деб тан олиш мумкин бўлади.



**Бошқа ишга ўтказиш муддати тугаган, иш берувчи ходимга унинг аввалги ишини бериши шарт. Акс ҳолда бошқа ишга ўтказиш ноқонуний равишда амалга оширилган деб квалификацияланади.**

Ленара ХИКМАТОВА,

«Норма» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти.

## Электрон шартномаларга ўтаётганда

Карантин шароитида товарлар, ишлар ва хизматлар олди-сотдисининг одатдаги усуллари доим қулай бўлмайди, ҳатто уларни амалга ошириш бўлмаслиги ҳам мумкин. Юридик масалалар бўйича «Norma» эксперти Олег Заманов электрон шартнома тузаётганда қандай муҳим жиҳатларни ҳисобга олиш лозимлиги ҳақида гапириб берди.

### Э-тижоратнинг ҳуқуқий жиҳатдан афзалликлари

Электрон ҳужжатлар ва ахборот юридик кучи бўйича «қоғоздагиларига» тенглаштирилади ва улардан битимлар тузилганлигининг далили сифатида фойдаланилиши мумкин («Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун 9-м. 1-қ.).

Ўз ҳолича электрон тижорат – фаолият тури эмас, балки шакли, шу сабабли унинг учун алоҳида лицензия, рухсатнома ёки гувоҳнома талаб этилмайди. Бироқ лицензияланиши лозим бўлган (Рўйхат, Олий Мажлиснинг 12.05.2001 йилдаги 222-И-сон қарорига 1-илова) ёки бошқа рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни талаб этадиган товарларни, ишларни ва хизматларни (Рўйхат, ВМнинг 15.08.2013 йилдаги 225-сон қарорига 1-илова) реализация қилиш чоғида сотувчида (ижрочида) рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бўлиши керак.

Э-тижорат учун улгуржи ва чакана савдога оид умумий талаблар (Низом, ВМнинг 26.11.2002 йилдаги 407-сон қарори билан тасдиқланган; Қоидалар, ВМнинг 13.02.2003 йилдаги 75-сон қарорига 1-илова) ҳам анча соддалаштирилган.

Куйидагиларга йўл қўйилади:

- > юридик шахсларнинг – чакана ва улгуржи, ЯТТнинг – тургун савдо шохобчаларидан ташқарида ва фискал хотирали НКМдан фойдаланмасдан чакана савдо қилишига (ВМнинг 17.11.2011 йилдаги 306-сон қарори);
- Бунда виртуал терминаллар (Е-POS) шу турдаги НКМ ва тўлов терминалларига тенглаштирилади. Ахборот тизимлари томонидан шакллантириладиган, битимлардаги томонларни идентификациялаш имконини берувчи электрон чеклар, квитанциялар, хабарлар ва бошқа усул-

лар – товарлар ва хизматлар учун тўловларни тасдиқловчи квитанциялар, талонлар, чигталар ва бошқа ҳужжатларга (14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сон 1-б.).

- > иш жойларидан ташқарида тарози ва бошқа ўлчов асбобларидан фойдаланишига.

Куйидагилар талаб этилмайди:

- > товарлар улгуржи ва чакана сотилганда тургун савдо шохобчаси мавжудлиги ва НКМ рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотномани шартномага илова қилиши;

- > нон ва нон-булка маҳсулотлари сотилганда махсус инвентардан фойдаланиши;

- > картошка ва бошқа мева-сабзавот маҳсулотларини қатъий белгиланган жойга чиқариб қўйиш.

Шунингдек товарларни сотувчи ва етказиб берувчи шахсий мулк, ижара ёки бошқа фойдаланиш ҳуқуқига асосан тегишли бўлган автотранспортда мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб етказиб бериш учун лицензия олиш талаб қилинмайди (ПҚ-3724-сон 2-б. 4-хатбоши).

Куйидаги товарлар, ишлар ва хизматларни экспорт контрактларини расмийлаштирмасдан онлайн интернет-дўконлар орқали экспорт қилиш мумкин:

- > қиймати 3 000 АҚШ долларигача бўлган – ахборотни ТСОЯЭАТга киритмасдан, БЮДни расмийлаштирмасдан, Почта хизматларини кўрсатиш қоидаларига мувофиқ (АВ томонидан 18.04.2011 йилда 2219-сон билан рўйхатдан ўтказилган);

- > қолган ҳолларда – тўлиқ тўлов тушгандан ва ушбу ахборот ТСОЯЭАТга киритилгандан сўнг (ВМнинг 8.09.2015 йилдаги 259-сон қарори 3-б.).

**Онлайн-реализация қилиниши лозим бўлмаган бир қатор товарлар, ишлар ва хизматлар мавжуд** (Рўйхат, Қоидаларга 2-илова, ВМнинг 2.06.2016 йилдаги 185-сон қарорига 1-илова). Бунда шифокор рецептисиз сотиладиган дори-дармонлар ва тиббийёт буюмлари учун улгуржи қилинган – уларни сақлаш ва ташиш чоғида алоҳида талаблар ва тартибга риоя этган ҳолда Э-тижорат орқали сотиш мумкин (ПҚ-3724-сон 2-б. 5-хатбоши; 185-сон Рўйхат).

### Э-шартнома қандай тузилади

Электрон шартноманинг тузилиши ва мазмуни жиҳатидан қоғоздаги олди-соти шартномасидан ҳеч қандай фарқи йўқ: ўша мажбурий шартлар ва референтларга эга бўлиши керак.

Бунда унга ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан алоҳида шартлар киритилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида ёки Э-шартномада белгиланган муддат мобайнида ушбу ҳужжатдан


эркин фойдаланиш имконияти таъминлини керак, бу мuddат ўтганидан кейин эса у белгиланган тартибда сақланиши шарт.

Аввалбошдан сотувчи шартнома шартларини ўз ичига олган офертани (шартнома тузиш ҳақида таклифни) жойлаштирилади. Буни ўз ахборот тизимида ёки ахборот воситачиси – ЭҲА операторининг электрон савдо майдончасида (сайтида, мобил иловасида) амалга ошириш мумкин.

**Қонунга кўра Э-тижоратдаги оферта куйидагиларни ўз ичига олган бўлиши керак** («Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун 16-м.):

- > оферта қилувчи иштирокчининг тўлиқ номи, унинг почта ва электрон манзили;
- > лицензиянинг ёки рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг рақами,

амал қилиш мuddати, уларни беришга ваколатли органнинг номи, агар қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу ҳужжатлар зарур бўлса;



- > электрон тижоратдаги шартномани тузиш тартиби, шартларни келишиб олиш чоғида унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш имконияти ҳамда тартиби;
- > акцептни юбориш ва қақариб олиш тартиби;
- > товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш ва уларга ҳақ тўлаш шартлари, шунингдек улар учун таклиф этилаётган нархлар (тарифлар);
- > ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаш-

тирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан шартномага киритиладиган шартларга тааллуқли қайдлар.

Шундан сўнг харидор (буюртмачи):

- 1) оферта шартларига рози бўлгач, офертанинг амал қилиш мuddати мобайнида куйидаги усуллардан биридан фойдаланиб уни акцептлаши (қабул қилиши) керак:

- > сотувчига электрон ҳужжатни жўнатиб;

#### Электрон ҳужжатнинг мажбурий референтлари:

- > электрон рақамли имзо (Низом, ВМнинг 185-сон қарорига 2-илова);

- > электрон ҳужжатни жўнатган юридик шахсининг номи ёки жисмоний шахсининг Ф.И.О.;

- > жўнатувчининг почта ва электрон манзили;

- > электрон ҳужжатни тузиш санаси. Қонун ҳужжатлари билан ёки ЭҲА иштирокчиларининг келишувига кўра

электрон ҳужжатнинг бошқа референтлари ҳам белгиланиши мумкин («Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун 6-м.).

- > сотувчига розилик билдирган ҳолда электрон хабарни жўнатиб;

- > офертада кўрсатилган шартларни бажариш бўйича ҳаракатларни содир этиш орқали. Масалан, товарлар, ишлар, хизматлар ҳақини тўлаш ва ҳ.к.

**Шартноманинг ўзида бошқа мuddат назарда тутилмаган бўлса, у офертани юборган томон акцептни олган пайтдан эътиборан тузилган деб эътироф этилади.**

- 2) шартномада белгиланган тартибда ва мuddатларда куйидагилар воситасида ҳақини тўлаши:

- > банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилиш бўйича тўлов терминали;

- > шахсий кабинет ёки чакана тўловлар тизими (онлайн-тўлов) орқали

банк пластик картасидан маблағларни ўтказиш;

- > банк ҳисобварағидан пул маблағларини ўтказиш.

Ҳақини олгач, сотувчи ўз мажбуриятларини бажаради – товарларни етказиб беради, ишларни бажаради, хизматларни кўрсатади.

### Э-шартнома қандай ва қанча мuddат сақланади

Қоғоз ташувчисидаги аналоглари қанча мuddат сақланса, электрон ҳужжатлар ва хабарлар ҳам шунча сақланиши керак (узқоқроқ вақт сақланиши мумкин, бироқ ундан кам эмас).

Сақлаш учун Ўзбекистонда жойлашган электрон маълумотлар базаларидан фойдаланилади. Уларга куйидагилар билан боғлиқ бўлган барча электрон ҳужжатлар, хабарлар ва операциялар киритилади:

- > электрон ҳужжатларни тузиш, уларнинг ҳаракати ва йўқ қилиниши;

- > оферталарни ва уларни қабул қилиш далилларини (акцептларни) эълон қилиш;

- > электрон хабарларни жўнатиш ва олиш;

- > электрон тижоратдаги шартномаларни тузиш.

Бунда барча маълумотлар шундай сақланиши керакки:

- а) тузилган шартнома томонларини идентификациялаш ва унинг барча шартларини аниқлаш;

- б) операциялар, шартномалар амалга оширилган ҳамда шартнома ва оферта шартларига ўзгартириш киритилган аниқ сана ва вақтни аниқлаш имкони бўлсин.

Ахборот тизимлари доирасида ҳар бир электрон шартнома ва офертага унинг бир хил маъноли бўлишини таъминлайдиган ва бошқа объектлардан фарқлаш имконини берадиган ноёб идентификатор берилди. Барча ахборотни шундай сақлаш керакки, у қайси шартномага ва офертага тааллуқли эканини аниқ белгилаш мумкин бўлсин.

**Ушбу материалда баён этилган барча хатти-ҳаракатларни алоҳида тартибда тузиладиган битимларга нисбатан қўллаб бўлмайди:**

- > давлат харидлари жараёнида;
- > биржаларда ва ахборот воситачиларининг ахборот тизимларида;
- > кўчмас мулкни реализация қилиш

ва нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган бошқа битимларни амалга ошириш чоғида.

# Қарз берувчида фоизли даромадни қандай аниқлаш мумкин

Хўжалик юретишнинг мураккаб шартларида корхона ва жисмоний шахслар бир-бирларига молиявий ёрдам берадилар. Шунинг учун ҳозирда ўзаро қарз беришлар тез-тез учраб туради. «Norma» компаниясининг етакчи эксперти Наталья МЕМЕТОВА бундай операциялар бўйича фоизли даромадларни аниқлаш тартибини тушунтириб берди.

– Тижорат корхонаси – Ўзбекистон резиденти мисолида қарз бериш билан боғлиқ вазиятни кўриб чиқамиз. Қулай бўлиши учун жадвал шаклида келтирамиз, унда фоизли даромадни аниқлаш ва унга солиқ солиш тартибини акс эттирамиз.

Кўрсаткич	Фоизсиз қарз	Фоизли қарз
Қарз берувчида даромад	Юзага келмайди	Юзага келади
Қарз берувчида даромад суммаси қандай аниқланади	Аниқланмайди	Шартномада назарда тутилган ставкада
Қарз берувчида солиқ солиши (фойда солиғи ёки айланмадан олинандиган солиқ)	Солинмайди	Фоизлар қарз берувчининг жами даромадига киритилади (СК 297-м. 3-қ. 19-б., 344-м. 1-қ.). Куйидагилар солинади: ● фойда солиғи – корхонада қўлланиладиган ставкада (СК 337-м.); ● айланмадан олинандиган солиқ – асосий фаолият тури ставкасида. Фаолият юритилмаса – 4%лик ставкада (СК 468-м. 4-қ.).
Корхонанинг солиқ ҳисоботида акс эттириши	Акс эттирилмайди	● Фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобда – 1-«Жами даромад» илованинг 120-сатрида. ● Айланмадан олинандиган солиқ ҳисоб-китобидида – 1-«Бошқа даромадлар» илованинг 0316-сатрида
Солиқни тўлаш	Тўланмайди	Фойда солиғини / айланмадан олинандиган солиқни тўлаш муддатларида
Фоизларнинг бухгалтерия ҳисоби	Юритилмайди	Фоизларни ҳисоблаш: ● Дт 4830-«Олинандиган фоизлар» – Кт 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар». Фоизларни олиш: ● Дт 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» – Кт 4830-«Олинандиган фоизлар».
Молиявий ҳисоботда акс эттириши	Акс эттирилмайди	Ҳисобот санасида фоизлар бўйича дебиторлик қарзи мавжуд бўлганда балансда – 310-«Бошқа дебиторлик қарзлари» сатрда. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда – 130-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар» сатрида



Фоизли даромадлар ҳисобини ҳисоблаб ёзиш усули бўйича юритинг. Маблағлар келиб тушган вақтдан қатъи назар, улар тааллуқли бўлган ҳисобот даврида уларни акс эттиринг («Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 18-м.). Солиқ солиш мақсадида ҳам худди шундай ёндашув назарда тутилган (СК 78-м.). Жорий ойда қарздан фойдаланилган кунлар сонидан келиб чиқиб ҳар ойда фоизларни ҳисобланг.

### МИСОЛ. Фоизли даромадни ҳисоблаш

Корхона 15 июнда йиллик 14%лик ставкада фоизларни тўлаш шартли билан 10 000 000 сўм миқдоридида қарз берган. Қарз муддати – 7 ой. Фоизлар қарз берилган кундан, яъни 15 июндан бошлаб ҳисобланади. Июнда 16 кун учун (15 июндан 30 июнгача) фоизларни ҳисоблаймиз. Июнь ойи учун фоизли даромад:  
 $10\,000\,000 \times 14\% / 365 \times 16 \text{ кун} = 61\,369,86 \text{ сўм}$   
 Июль ойи учун фоизли даромад куйидаги суммани ташкил этади:  
 $10\,000\,000 \times 14\% / 365 \times 31 \text{ кун} = 118\,904,11 \text{ сўм}$   
 Кейинги ойлар учун даромад худди шундай тартибда аниқланади. Фоизлар қачон олинанишидан қатъи назар, корхона фойда солиғини ёки айланмадан олинандиган солиқни ҳисоблаш чоғида ҳисобланган фоизларни жами даромад таркибига киритади:  
 ● июнь ойи учун – 1 ярим йиллик учун ҳисоботда;  
 ● июль ойи учун – 9 ой учун ҳисоботда ва ҳ.к.


### Кабиса йилида фоизлар қандай ҳисобланади

Ўзбекистон тижорат банклари томонидан кредитлар, депозитлар ва қарз маблағлари, қарз қимматли қоғозлари бўйича, шунингдек бошқа молиявий воситалар бўйича фоизларни ҳисоблаш махсус Низом билан тартибга солинади (АВ томонидан 30.01.2004 йилда 1306-сон билан рўйхатдан ўтказилган).

Унга мувофиқ, кредит бўйича фоизлар одатда йиллик базавий давр – 365 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилади (Низомнинг 17-б.).

Бироқ ушбу Низом тижорат банклари учун ишлаб чиқилган. Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ушбу нормага амал қилишга ҳақли, бироқ мажбур эмас. Фоизларни ҳисоблаш учун кабиса йилида қанча кунлар сонидан – 365 ёки 366 – фойдаланишни ўзингиз ҳал қилинг.

Фоизли даромадни ҳисоблаб чиқаришнинг танланган тартибини ҳисоб сиёсатида акс эттиринг. Фоизли даромад қайта молиялаштириш став-



касидан эмас, балки шартномада назарда тутилган ставкадан келиб чиқиб аниқланади.

Гарчи қайта молиялаштириш ставкаси 15% бўлса ҳам, юқорида келтирилган мисолда шартномадаги 14%лик ставкадан фойдаланилган.

Қарз олувчи корхоналарда даромадни аниқлаш чоғида қайта молиялаштириш ставкаси қўлланилади. Қарзлар бўйича фоизларга ҚҚС солинмайди (СК 244-м. 1-қ. 7-б.).

Реклама

**«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90.  
E-mail: office@norma.uz.  
web: www.norma.uz

## Чегарада тўланади

Вазирлар Маҳкамасининг «Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (5.08.2020 йилдаги 463-сон) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Йўл ҳаракати қоидаларини (ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарорига 1-илова) бузган хорижий автотранспорт воситалари ҳайдовчилари ёки бошқа шахслардан тегишли жарималарни ушбу автотранспорт воситалари республика ҳудудидан олиб чиқиб кетилаётганда ундириш механизми жорий этилади.

Жарималар божхона органлари томонидан ички ишлар органлари «онлайн» режимда тақдим этган маълумотлар асосида ундирилади.

Ушбу қоида қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

- Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг, шунингдек уларга тенглаштирилган ташкилотларнинг автотранспорт воситаларига;
- Ўзбекистон ҳудудига вақтинча кирган ёки транзит ҳаракатланишда бўлган хорижий расмий делегациялар автотранспорт воситаларига.

Божхона органлари томонидан ундирилган жарима суммасидан ИИВнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ажратилиши белгиланган қисмнинг 50%и ДБҚнинг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасига ўтказилади.

Қарор билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ЙЎҚни бузган хорижий автотранспорт воситалари ҳайдовчиларидан жарималарни ундириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланади.

Божхона органи ходими томонидан хорижий транспорт воситаси ҳайдовчиси ёки уни амалда олиб чиқаётган бошқа шахсдан жарималарни ундиришда ИИВнинг маълумотлар базасидан ДБҚнинг маълумотлар базасига келиб тушган жарима солиш тўғрисидаги қарор асос бўлади.

Божхона органи ходими томонидан қоидабузар жарима тўлаганидан кейин автотранспорт воситасининг республикадан олиб чиқилишига йўл қўйилиши тўғрисида огоҳлантирилади.

Жарималар чегара божхона постидаги банк касалари ёки электрон тўлов тизимлари ёхуд ўзига ўзи хизмат кўрсатиш терминаллари орқали тўланади.

Жарима тўланмаган тақдирда, божхона органларига ҳудудий ички ишлар органлари билан биргаликда мазкур жарима суммаси тўлиқ ундирилгунга қадар ушбу транспорт воситалари вақтинча сакловга олинади (МЖТКнинг 291-моддаси). Транспорт белгиланган жойларда 60 кун мобайнида сақланади. Ушбу муддат ичида жарима суммаси тўланмаган тақдирда, тўланмаган қарздорлик суммасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мажбурий ижро бюроси ёки суд орқали ундириш чоралари қўрилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 6.08.2020 йилдан кучга кирди.

Баҳодир Қаюмов.

Автомобилни бошқариш бўйича йўқотилган ҳуқуқни тиклаш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?

## Дубликат олинг

– Йўқотилган ҳайдовчилик гувоҳномасининг дубликати олиш учун ДЙХХнинг ҳудудий рўйхатлаш ва имтиҳон олиш бўлинмаларига (РвайОБ) мурожаат қилиш лозим (Низомнинг 66-банди, ВМнинг 31.05.2018 йилдаги 408-сон қарорига 2-илова).

Шуни эътиборга олиш лозимки, гувоҳнома дубликати назарий ва амалий имтиҳонлар топширилганидан ҳамда транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳайдовчилик гувоҳномалари маълумотлар базасидан текширилганидан сўнг берилади.

Ўғирланган, ёнғин, табиий офат оқибатида ва бошқа шу каби сабабларга кўра йўқолган ҳамда

**Маълумот учун.** Имтиҳон варақаси автомактабда ўқув жараёни тугаган берилади ва ҳайдовчилик гувоҳномаси эгасида сақланади. Имтиҳон варақаси йўқотилган тақдирда, автомактабдан ўқув жараёнини тамомлаганлиги тўғрисида маълумотнома ёки ҳудудий ЙХХБнинг РвайОБнинг тасдиқномаси бўлиши лозим.

## Йўл ҳаракати иштирокчиси учун

Карантин даврида кўпчилик учун велосипед ягона ҳаракатланиш воситасига айланади. Бироқ амалиётда кўриниб турибдики, айрим йўл ҳаракати иштирокчилари қоидаларга риоя қилмаяптилар. ЙЎҚ талабларига риоя қилиш йўл-транспорт ҳодисаларини четлаб ўтишга ёрдам беради.

Велосипедда товушли сигнал қурилмаси мавжуд бўлиши ва тормослар соз ҳолатда туриши лозим. Шунингдек унда сутканинг қоронғу тушадиган пайтида ҳамда кўриш даражаси етарли бўлмаган шароитда ҳаракатланиш учун ускуна ўрнатилган бўлиши керак. Олд томонида – ёруғлик қайтаргич ва оқ рангли фонарь ёки фара, орқа томонида – ёруғлик қайтаргич ва




**Маълумот учун.**

ЙЎҚни бузганлик учун ЖАРИМА қуйидаги муддатларда Тўланади:

жарима сизнинг иштирокингизда ДАН ходими томонидан расмийлаштирилган бўлса,  
30 кундан кечиктирмай;  
камералар автоматлаштирилган тизимида қайд этилган бўлса,  
60 кундан кечиктирмай.

«АвтоНорма» бўлимини Алла Ромашко олиб боради.

## БИЗГА ЁЗГАН ЭКАНСИЗ



дахлдор ваколатли идораларнинг ҳужжатлари билан тасдиқланган ҳолатлар бундан мустасно (Низомнинг 69-банди).

Қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

- ҳайдовчининг аризаси;
- имтиҳон варақаси;
- соғлиги ҳолати тўғрисидаги тиббий хулоса (083/х маълумотнома);
- давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги квитанция;
- автомактабдан маълумотнома ёки имтиҳон варақаси йўқотилган ҳолларда ДЙХХ РвайОБнинг тасдиқномаси.

## ҲАЙДОВЧИЛАР ЭЪТИБОРИГА

қизил ранглик фонарь, ҳар бир ён томонида – жигар ранг ёки қизил рангдаги ёруғлик қайтаргич бўлиши лозим.

Велосипед ва мопед ҳайдовчиларига қуйидагилар тақиқланади:

- рулни ушламасдан ёки бир қўлда ушлаб ҳаракатланиш (манёврдан олдин ишоралар бериш бундан мустасно);
  - йўловчи ташиш (мустақкам оёқ қўйгич билан жиҳозланган қўшимча ўриндиқда 7 ёшгача бўлган йўловчинини ташиш бундан мустасно);
  - габаритдан бўйига ва энгига 0,5 метрдан ортиқ чиқиб турган ёки бошқаришга халақит берадиган юкларни ташиш;
  - велосипед йўлкаси бўлган ҳолда йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланиш;
  - трамвайлар ҳаракатландиган йўлларда ва тегишли йўналишда бўлаги биттадан кўп (полосаси) бўлган йўлларда чапга бурилиш ёки қайрилиб олиш;
  - қадаб олинмаган мотошлемсиз йўлларда ҳаракатланиш (мопед ҳайдовчиларига).
- Велосипедларни ва мопедларни шатакка олиш, шунингдек улардан шатакка олишда фойдаланиш тақиқланади (велосипед ёки мопедга мўлжалланган тиркамаларни шатакка олиш бундан мустасно).

Иқтисодий-ҳуқуқий газетаси

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ХУЎҚ  
СОЛҚИЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
**Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОЕВ**

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
**АЛИМОВ**

Саҳифаловчи  
**Раъно  
ИСМАИЛОВА**

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўчаси, 1/1,  
Тахририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: [sbx@norma.uz](mailto:sbx@norma.uz),  
[gazeta@norma.uz](mailto:gazeta@norma.uz),  
web: [norma.uz](http://norma.uz)

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
ётказиб бериш ва харид қилиш  
масалалари бўйича (71) 200-00-30;  
«Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр қўрсатиши – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табақ. Баҳриси келишидан кўра.  
Буортма г-822. Адади 560. Газета 2020 йил 24 август соат 15.30 да топширилди.